

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МУДОФАА ВАЗИРЛИГИ  
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ИЧКИ ИШЛАР ВАЗИРЛИГИ  
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ФАВҚУЛОДДА ВАЗИЯТЛАР  
ВАЗИРЛИГИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МОЛИЯ ВАЗИРЛИГИ  
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МИЛЛИЙ ХАВФСИЗЛИК ХИЗМАТИ  
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ БОЖХОНА ҚЎМИТАСИ  
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АЛОҚА, АХБОРОТЛАШТИРИШ  
ВА ТЕЛЕКОММУНИКАЦИЯ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ  
ДАВЛАТ ҚЎМИТАСИНИНГ  
ҚАРОРИ

## **323** Ҳарбий хизматчиларни олий ҳарбий таълим муассасалари ва Сержантларни тайёрлаш мактабларида ўқитишга сарфланган бюджет маблағларини давлатга ундириш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартириш киритиш ҳақида

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2013 йил  
15 июнда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2024-1*

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 16 октябрдаги ПФ-4475-сон «Ўзбекистон Республикаси Алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникация технологиялари давлат қўмитасини ташкил этиш тўғрисида»ги Фармони ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 19 декабрдаги 355-сон «Ўзбекистон Республикаси Алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникация технологиялари давлат қўмитаси ҳамда Алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникация технологиялари соҳасида назорат бўйича давлат инспекцияси тўғрисидаги низомларни тасдиқлаш ҳақида»ги қарорига (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2012 йил, 52-сон, 589-модда) мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги, Ички ишлар вазирлиги, Фавқулодда вазиятлар вазирлиги, Молия вазирлиги, Миллий хавфсизлик хизмати, Давлат божхона қўмитаси ва Алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникация технологиялари давлат қўмитаси **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги, Ички ишлар вазирлиги, Фавқулодда вазиятлар вазирлиги, Молия вазирлиги, Миллий хавфсизлик хизмати, Давлат божхона қўмитаси ва Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлигининг 2009 йил 16 октябрдаги 10, 12, 281, 100, 90, 01-02/5-27, 325-сон қарори (рўйхат рақами 2024, 2009 йил 27 октябрь) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2009 й., 44-сон, 473-модда) билан тасдиқланган Ҳарбий хизматчиларни олий ҳарбий таълим муассасалари ва Сержантларни тайёрлаш мактабларида ўқитишга сарфланган бюджет маблағларини давлатга ундириш тартиби тўғрисидаги низомнинг

---

*Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2013 й.*

мукаддимасидаги «Давлат Божхона қўмитаси, Ўзбекистон Алоқа ва ахборотлаштириш агентлигининг» деган сўзлар «Давлат божхона қўмитаси ва Алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникация технологиялари давлат қўмитасининг» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

2. Мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

**Мудофаа вазири**

**К. БЕРДИЕВ**

Тошкент ш.,  
2013 йил 16 май,  
5-сон

**Ички ишлар вазири**

**Б. МАТЛЮБОВ**

Тошкент ш.,  
2013 йил 16 май,  
11-сон

**Фавқулодда  
вазиятлар вазири**

**Т. ХУДАЙБЕРГЕНОВ**

Тошкент ш.,  
2013 йил 16 май,  
4-сон

**Молия вазири**

**Р. АЗИМОВ**

Тошкент ш.,  
2013 йил 16 май,  
50-сон

**Миллий хавфсизлик  
хизмати раиси**

**Р. ИНОЯТОВ**

Тошкент ш.,  
2013 йил 16 май,  
33-сон

**Давлат божхона  
қўмитаси раиси**

**З. ДУСАНОВ**

Тошкент ш.,  
2013 йил 16 май,  
01-02/5-5-сон

**Ўзбекистон Республикаси Алоқа,  
ахборотлаштириш ва телекоммуникация  
технологиялари давлат қўмитаси раиси Х. МИРЗАХИДОВ**

Тошкент ш.,  
2013 йил 16 май,  
22-мх-сон